



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ФАРҒОНА ТАЖРИБАСИ:

ЗАМОНАВИЙ ЁРИТГИЧЛАР, ҚУЁШ ПАНЕЛЛИ
СВЕТОФОРЛАР, “СУНЪИЙ ДЎНГЛИК”ЛАР ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ
ҲОДИСАЛАРИ КАМАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ



Президентимиз раислигида 11 февраль куни йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари тизимида “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика ва вилоят жамғармалари ташкил этилиши маълум қилинди. Бу жамғармалар ҳар йили камида 400 миллиард сўм тушадиган аниқ манбаларга эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари мисол тариқасида Фарғона вилояти тажрибасини кўрсатиб, ҳудуд бюджетидан ажратилган 24 миллиард сўмга 125 километр йўлларга ёриткич ва нур қайтарувчи воситалар, 24 та

пиёдалар йўлагига светофор, 107 тасига “сунъий дўнгликлар” ўрнатилганини қайд этди.

Натижада вилоятда умумий йўл-транспорт ҳодисаси 31 фоизга, ўлим билан боғлиқ ҳолатлар

21 фоизга, пиёдалар иштирокидаги ҳодисалар 37 фоизга камайган.

▶ Давоми 3-бетда

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

КЕНГАШЛИ ТЎЙ
ТАРҚАМАС

“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида жадал ривожланиб бораётган мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб борилмоқда. Бу масала Тараққиёт стратегиямизнинг муҳим устувор йўналиши сифатида ҳам қатъий белгилаб олинган.

Жумладан, қўшни ва минтақа мамлакатлари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш, тарихий илдизи туташ дўстона муносабатларни самимий руҳда давом эттириш мақсад қилинган.

Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) оқсоқоллар кенгашининг Истанбул шаҳрида шу йил 9-11 февраль кунлари бўлиб ўтган 12-йиғилишида мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этгани ана шу мақсадларга Ҳамоҳангдир.

Туркий халқлар “Кенгашли тўй тарқамас”, дейди. Айтмоқчи бўлганимиз, ТДТ оқсоқоллар кенгаши йиғилиши туркий дунё фахри — буюк мутафаккир

Алишер Навоий таваллуд топган кунда бўлиб ўтгани ҳам чуқур рамзий маъно қасб этди. Гап шундаки, Навоийнинг “Ёр ўлунг бир-бирингизаким, эрур ёрлиғ иш” каби дурдона сатрларида қайд қилинган бирдамлик ғояси ҳамisha барҳаёт экани йиғилишда бот-бот таъкидланди.

ТДТ оқсоқоллар кенгаши Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгаши ҳузурида фаолият юритувчи доимий консултатив орган ҳисобланади. Оқсоқоллар кенгаши ўз фаолиятини ташкилотга аъзо давлатлар халқларининг умумий тарихи, тили, маданияти ва анъаналари асосида юритади.

▶ Давоми 2-бетда

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЮРТИМИЗДА 10 ТА ХОРИЖИЙ ТИЛ БЎЙИЧА 35 ХИЛ СЕРТИФИКАТ МАВЖУД

Бугунги кунда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш ва бир неча хорижий тилларда эркин мулоқотга кириша оладиган жамиятни шакллантириш давр талабига айланди. Зеро, бу ҳақда давлатимиз раҳбари ўтган йили 6 май куни чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажақ учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти биттирувчилари камида 2 та чет тилини мукамал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим”, дея таъкидлаганди.

▶ Давоми 5-бетда

МУНОСАБАТ

НОДИР ҚЎЛЁЗМАЛАР ВАҚТ ОЛОВИДА ЁНМАЙДИ



Дунёда шундай бойликлар борки, уларнинг қийматини ҳеч бир нарса билан ўлчаб бўлмайди. Мамлакатимизни беҳисоб қазилма бойликлар, табиий захиралар билан сийлаган илоҳий ирода, беҳисоб илмий-маънавий хазинани ҳам халқимизга раво кўрган.

Ушбу хазинани биринчи ва иккинчи Уйғониш давларида яшаб, ижод қилган буюк аллома аждодларимиздан қолган қадимий, илмфаннинг турли йўналишларида битилган нодир қўлёзма ва тошбосма асарлар ташкил этади.

▶ Давоми 2-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ДРАЙВЕР

Иқтисодий ўсиш, иш ўринлари яратиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни камайтириш ҳамда истеъмолчиларнинг тобора ўсиб бораётган ҳаётий эҳтиёжларини тўла ва сифатли қондиришда хизматлар соҳаси муҳим ўрин тутди. Шу боис, мамлакатимизда 2016 йилдан бошланган иқтисодий тараққиётнинг янги босқичида, жумладан, 2021 йилда ҳам хизматлар соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди ва бу борада жуда катта амалий ишлар бажарилди.

Натижада соҳанинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Масалан, айни пайтда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 38 фоизи, умумий корхоналарнинг 60 фоизи, жами

банд аҳолининг 50 фоиздан ортиғи хизматлар соҳасига тўғри келади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2020 йилдаги 1750 доллардан 2021 йили 1955 дол-

ларга ўсганида ҳам хизматлар соҳасининг ҳиссаси катта бўлди. Мазкур масала ҳамisha давлат раҳбарининг эътиборида турибди.

▶ Давоми 4-бетда



ВАТАН ШАЪНИ УЧУН МАЙДОНГА ТУШИШ — ЭНГ БУЮК ҒАЛАБА

ОЛИМПИА ҲАРАКАТИ

Ўтган йил ёзда Токио Олимпиадаси давом этаётган паллада ҳар биримизнинг диққатимиз мусобақаларда юртимиз шаъни ҳимоясига шайланган спортчиларимизга қаратилди. Уларнинг ғалаба қозонишини астойдил истадик. Жанглари кузатарканмиз, ғалабалар руҳимизни кўтарди, мамлакатимиз вакиллариининг ҳар бир муваффақияти оилавий байрамга айланиб кетди. Ахир халқаро майдонда “Ўзбекистон” номининг эълон қилиниши, байроғимизнинг юксак ҳилпираши, давлатимиз мадҳиясининг янграши шу мамлакатда яшаётган, шу юртга ўзини дахлдор билган ҳар бир фуқаронинг қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини жўштириши табиий.

▶ Давоми 6-бетда





ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва
спорт масалалари қўмитаси
раиси

Бошланиши 1-бетда

Истанбулдаги йиғилишда ТДТ Бош котиби ҳамда барча аъзо давлатлардан сайланган оқсоқоллар иштирок этди. Йиғилиш иштирокчилари 2021 йил 12 ноябрда Истанбул шаҳрида ТДТнинг саммити яқунлари бўйича қабул қилинган декларация ташкилотга аъзо давлатлар ҳаётида чинакам тарихий воқеа бўлганини таъкидлади. Хусусан, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи Туркий давлатлар ташкилоти деб ўзгартирилгани, “Туркий дунё нигоҳи — 2040” стратегик ҳужжати қабул қилингани, ТДТ доирасида “Туркий дунё бирлигига қўшган ҳиссаси учун” Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилганига эътибор қаратилди.

Оқсоқоллар кенгаши раиси Бенали Йилдирим Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда кечаётган кенг қўламли ислохотлар, халқаро майдонда эришилган ютуқларга юксак баҳо берди. Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли Марказий Осиёда яхши кўшничилик алоқалари тиклангани, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар билан мустаҳкам биродарлик ришталари боғлангани, ташкилотнинг тўлақонли фаолияти йўлга қўйилаётганига урғу берилди.

Йиғилишда 2021 йил Истанбул саммитида давлатимиз раҳбарининг 2022 йилни “Туркий дунёда ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиш ҳақида билдирган таклифини барча оқсоқоллар қизгин қўллаб-қувватлади. Ўзбекистоннинг муайян шахрини 2022 йилда “Туркий дунё ёшлари пойтахти” деб белгилаш, шу муносабат билан юртимизда ТДТга аъзо ва кузатувчи давлатлар иштирокида ёшларга оид турли тадбирларни ўтказиш таклиф этилди.

Тошкент шаҳрида 2021 йилда ўтказилган Ёш тадбиркорларнинг биринчи форуми оқсоқоллар томонидан юқори баҳоланди, бу тадбирни давом эттириш тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

2021 йилда Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти доирасида “Туркий дунё туризм пойтахти”



ташаббуси қабул қилингани ва илк бор Қўқон шаҳрига шундай маком берилгани учун Ўзбекистон томони-



“

Туркий давлатлар ташкилоти оқсоқоллари томонидан 2023 йилда Озарбайжоннинг Шуша шаҳрини “Туркий дунёнинг маданий пойтахти” деб белгилаш, туркий давлатлар тилларининг умумий терминологиясини ишлаб чиқиш, ёшларнинг инновацион ғоялари ва стартапларини молиялаштириш мақсадида махсус жамғарма ташкил этиш, “Умумий туркий тарих” китобини яратишда барча аъзо давлатлар олимларини жалб қилиш, ахборот асрида ТДТ учун ягона виртуал ахборот макони ташкил этиш каби таклифлар билдирилди.

га миннатдорлик билдирилди. Ушбу ташаббус барқарор туризм ва тегишли инфратузилмани ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишда яхши самара бериши таъкидланди.

Буюк ипак йўлида жойлашган аъзо давлатларнинг табиий-географик имкониятларидан фойдаланган ҳолда, туризм соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, минтақага кўпроқ сайёҳларни жалб этиш мақсадида “Табаррук зиёрат” ва “Туристик харита”, шунингдек, қўшма туризм лойиҳалари, миллий ва халқаро сайёҳлик кўргазмаларини тарғиб қилиш, ярмаркалар, давра суҳбат-

лари, маҳорат дарслари ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ. Йиғилишда айни йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастурида ҳам Туркий давлатлар ташкилоти доирасида “Табаррук зиёрат” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланган.

Йиғилишда ТУРКСОЙ доирасида Хива шаҳрининг 2020 йилда “Туркий дунё маданий пойтахти” деб эълон қилингани, шу муносабат билан 2021 йилда шаҳарда ташкил этилган тадбирлар юқори савияда ўтказилгани ҳам эътироф этилди.

Тадбирда ташкилотнинг туркий дунёда ўзаро келишилган ҳаракатларни таъминлашдаги ролини оши-

Йиғилишда Туркий давлатлар парламент ассамблеяси томонидан 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда изчил саъй-ҳаракатлар қилинаётгани, бу борада Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг фаол иштироки алоҳида эътироф этилгани бизни мамнун этиши баробарида зиммамизга янада улкан масъулият юклади.

Тадбирда олдинда турган устувор вазифаларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, бугунги кунда ТДТга аъзо ва кузатувчи давлатларнинг ўзаро алоқалари салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётганига урғу берилди. Мисол учун, 170 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган ТДТ ҳудудида ўзаро савдо ҳажми 5 фойздан ҳам кам.

Туркий давлатлар ташкилоти оқсоқоллари томонидан 2023 йилда Озарбайжоннинг Шуша шаҳрини “Туркий дунёнинг маданий пойтахти” деб белгилаш, туркий давлатлар тилларининг умумий терминологиясини ишлаб чиқиш, ёшларнинг инновацион ғоялари ва стартапларини молиялаштириш мақсадида махсус жамғарма ташкил этиш, “Умумий туркий тарих” китобини яратишда барча аъзо давлатлар олимларини жалб қилиш, ахборот асрида ТДТ учун ягона виртуал ахборот макони ташкил этиш каби таклифлар билдирилди.

Яқин истиқболга мўлжалланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Туркий инвестиция жамғармаси таъсис этилади. Туркий давлатлар ташкилотининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган стратегик “йўл харитаси”, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида халқаро аралаш юк ташиш тўғрисидаги битим, соддалаштирилган боғхона йўлагини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро баённома имзоланади. ТДТга аъзо ва кузатувчи давлатларда ички савдо, экспорт салоҳияти ва инвестициялар ҳажмини ошириш учун савдо уйлари, давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва алоқаларни халқаро шарқ-ғарб транскасий ўрта йўлаги орқали мустаҳкамлаш мақсадида махсус иқтисодий зона – ТУРОНСЭЗ ташкил қилинади.

Оқсоқоллар Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити жорий йилда Ўзбекистонда самарали ўтишига ишонч билдириб, мамлакатимиз қардош халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим ва мустаҳкам ришта бўлишини таъкидлади.

МАДАНИЯТ

Президентимиз “Яратган ижод аҳлига шундай бир қобилият, мурувват, саховат инъом этганки, бу саховат, бу мурувват ҳаммага ҳам инъом этилмаган”, дея ижодкорларни юксак эътироф этади. Бугун адабиёт, санъат ва маданият, умуман, ижодга жиддий аҳамият берилаётгани бежиз эмас.

ТЕАТР ИЖОДКОРЛАРИ ҲАЁТИДА ЯНА БИР ЁРҚИН САҲИФА

Эркин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти

Хусусан, театр — ҳаёт кўзгуси. Дунёда турли мафқуравий ҳуружлар, маънавиятимизга зид, ёшларни бузғунчиликка бошловчи ғоялар урчиб турган пайтда яхшилик, эзгулик, имон-эътиқод, ҳаё-ибо каби менталитетимизга хос тушунчаларга кучли урғу бериш бугуннинг талаби. Ана шу мақсадда театрларда қўйилган асарлардан томошабин нимадир олиб кетиши керак. Салбий образми, ижобийми, умуман, спектакль таъсирида, айтилик, кимдир ўнгланиш йўлига кирса, демак, театр мавжуд, театр ишляпти.

Бунинг учун халқимизни театрга кенг жалб этиш биринчи галдаги вазифалардан эди. Давлатимиз раҳбари бу масалага ҳам алоҳида ёндашди. Театрларга маҳалалар кесимида рўйхатлар шакллантирилган ҳолда бепул кириш тизими йўлга қўйилди. Бу эзгу амал бўлди. Зеро, театрларимиз уриндиқлари тўлиб турса, биз, актёрлар янада руҳланамиз, муҳлислардан қувват оламиз.

Шу маънода, “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги тарихий қарор театр ижодкорлари ҳаётида ёрқин саҳифа очди, дейиш мумкин. Негаки, энди чекка қишлоқларга ҳам “Маданият карвони” етиб бориб, танти, меҳнаткаш халқимиз спектаклларимиздан кўпроқ баҳраманд бўлади. Бу борада вазирлик тизимидagi концерт-томоша муассасалари, цирк ва театр ходимлари орасидан “Маданият карвони” таркибига киритилдиган ижодкорлар (доимий аъзолар ва муайян тадбирларда иштирок этувчилар) рўйхати шакллантирилиши ёшларни ўз устида тинимсиз ишлашга ундайди.

Маданият вазирлиги томонидан “Инсон қадри учун” эзгу ғояси асосида ҳар йили камида 40 та янги спектаклга давлат буюртмаси берилиши эса театрлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиради. Шунингдек, ёш, янги истеъодлар танловларда тобланиб, сараланади. Соҳанинг умидли вакиллари кашф этилади.



Театрларга автобус ажратилиши яна бир хайрли иш бўлди. Бу нафақат гастроль сафарларига, керак бўлса, одамларни театрга олиб келишга ҳам беминнат хизмат қилади.

“

Айтиш жоизки, худди таълимдаги каби театрга ҳам раҳбарлар эътиборини тортиш керак. Масалан, бирорта премьерани вилоят ҳокими ҳар бир туманга бўлиб берса, автобуста одамларни олиб келиб, театрни тўлдирса, ҳам театр, ҳам томошабин манфаат кўради.

Умуман олганда, қарор санъат ва маданиятнинг ҳар бир қиррасини қамраб олгани билан бемисл бўлди. Эндиликда барча давлат органлари, муассасалар ва корхоналар ҳар чорада камида бир марта ўз ходимлари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ташкил этиши, айниқса, цирк ва театрларга кириши учун чипта ва абонементларни харид қилиши соҳа ривожига муҳим омил бўлиши аниқ. Зеро, интернетнинг тубсиз дарёсига фарқ бўлиб, чинакам санъат ва маданиятдан йироқлашмаслик, демакки, узликни йўқотмаслик учун ҳам мана шундай эзгу ҳаракатлар жуда зарур.

МУНОСАБАТ

НОДИР ҚЎЛЁЗМАЛАР ВАҚТ ОЛОВИДА ЁНМАЙДИ

Шоазим МИНОВАРОВ,
Ўзбекистондаги Ислом
цивилизацияси маркази
директори

Бошланиши 1-бетда

Қўлёзмалар ҳақида гап борар экан, бу борада ҳам Ўзбекистон дунёнинг энг бой мамлакатлари қаторига қиради, деб баралла айтишга ҳақлимиз. Айни кунларда юртимизнинг 80 дан ортиқ илмий муассасасида 45 мингта яқин қўлёзма ва 70 мингдан зиёд тошбосма асарлар сақланмоқда. Ушбу бебаҳо асарлар ўз саҳифаларида тарихимиз, урф-одатларимиз, аниқ фанлар ва табаррук динимизга оид биз билмаган, эшитмаган, долзарб ва қизиқарли маълумотларни сақлаб келмоқда.

Мустақиллик йилларида ушбу илмий-маънавий меросни ўрганишга маълум даражада эътибор қаратилган бўлса-да, халқимизни ундан баҳраманд қилиш, манбаларни асраб-авайлаш, келажак авлодларга безавол етказиш, реставрация қилиш ва рақамлаштириш масалалари билан жиддий ва мақсадли шуғулланилмади. Катапоглатириш ишлари ҳам ҳар бир муассаса томонидан мустақил олиб борилди. Натижада масаланинг илмий-маърифий томони оқсади, иккинчи томондан, жиддий йўқотишларга йўл қўйилди. Президентимизнинг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди бу борада узоқ йиллар тўпланиб қолган қўллаб муаммоларнинг ечими кўрсатиб ўтилган.



Қарорга мувофиқ, эндиликда жамоатчилик учун очик бўлган қадимий ёзма манбалар Давлат реестри ташкил этилиб, давлат тасарруфидида музейлар, кутубхоналар ва архив фондлари фаолиятига интеграция қилинади. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази давлат реестрини шакллантириш ва юритиш, шунингдек, қадимий ёзма манбаларни босқичма-босқич рақамлаштириш учун масъул давлат муассасаси этиб белгиланди, давлат реестрини юритиш учун масъул бўлган 10 та илмий ходимдан иборат махсус бўлим ташкил этилмоқда.

Айтиб ўтганимиздек, Давлат реестри бутун республика ҳудудидида амалда бўлади. Реестр халқимизнинг бебаҳо мулки бўлган қадимий қўлёзма ва тошбосма асарлар, шунингдек, тарихий ҳужжатлар ҳисобини юротида, яъни уларнинг йўқолиши, мамлакатдан олиб чиқиб кетилишининг олдини олади.

Айни пайтда ёзма манбалар ва ҳужжатларни рақамлаштириб, асл нусхалари билан бирга келажак авлодга етказиш имконияти пайдо бўлади. Рақамлаштирилган нусхалар эса тадқиқотчилар ва таржимонларнинг ихтиёрига берилади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарориди нодир тарихий қўлёзма ва тошбосма асарлар ҳамда архив ҳужжатларини консервация-реставрация қилиш жараёнига алоҳида эътибор қаратилган. Ёзма манбаларни талаб даражасида сақлаш, эҳтиёж туғилган ҳолатда уларни турли зиён етишидан асраш, реставрация ишларини амалга ошириш мақсадида замонавий технология воситалари ҳамда зарур реактивлар билан таъминланган замонавий лаборатория ташкил қилинади.

Соҳа учун мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳам Президент қарориди ўз аксини топган. Ушбу вазифани амалга

ошириш учун 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида “Қадимий ёзма манбалар консервацияси ва реставрацияси” йўналишида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш белгилаб берилган.

Шунингдек, ушбу йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлаш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Бухоро давлат университети ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Матншунослик ва адабий манбашунослик” таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича бакалаврият ва магистратура босқичлари учун зарур квоталар доимий ажратиб борилиши кўзда тутилган.

Қарорда ҳозирги кунда ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг хорижда амалиёт



ва стажировка ўтиши борасида ҳам вазифалар белгиланган. Жумладан, 2022 йилдан бошлаб қўлёзмаларни сақлаш ва тадқиқ этиш билан шуғулланувчи илмий ходим ва реставраторларнинг ҳар йили хорижда амалиёт ўташи ва стажировкасини ташкил этиш Марказ, Шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига юклатилди.

Президентимизнинг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг аҳамияти жуда катта. Биринчи ўринда, қарор ва унда назарда тутилган Давлат реестри миллий миқёсда Фарғоний, Хоразмий, Бухорий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Навоий, Бехзод каби буюк даҳо аждодларимиздан қолган илмий-маънавий мерос ҳисобини юритиш, уни келажак авлодларга безавол,

бенуқсон етказишга имкон яратади. Қолаверса, рақамлаштириш орқали илмий-тадқиқотлар, таржима жараёнига воситасида халқимизни ушбу бебаҳо хазинадан баҳраманд қилиш имкониятини кенгайтиради.

Кейинги йилларда халқимиз томонидан эътироф этилаётгандек “Қилса бўлар эканку” хитоби бу ерда ҳам ўринли, долзарб эканини алоҳида таъкидлаган ҳолда, Ислом цивилизацияси маркази мазкур қарор билан “Қадимий ёзма манбалар Давлат реестри”ни тузиш ва юритишдек вазифага масъул давлат муассасаси этиб белгиланганини жамоамиз катта шараф, ишонч ва масъулият сифатида қабул қилганини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Шарқшунослик институти каби ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қарорда белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишига бор илмий салоҳиятимиз ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.



Бошланиши 1-бетда

Вилоятда 19 минг 952,5 километр автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, унинг 4 минг 31 километри умумий фойдаланишдаги, 15 минг 921,5 километри ички хўжаликлараро йўлларни, шаҳар ва қишлоқлардаги кўчаларни ташкил қилади. Уларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ўтган йил ноябрь ойи бошида Ички ишлар вазирлиги ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ўртасида меморандум имзоланиб, 2021–2023 йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

“ЙЎЛ ХАРИТАСИ” ИЖРОСИ ҚАНДАЙ САМАРА КЕЛТИРМОҚДА?

Меморандумга асосан, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи омиллар ўрганилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Бунда асосий эътибор йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, унинг сифатини яхшилаш, транспорт воситалари ва пиедаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқий маданияти, малакасини ошириш, интизомини мустаҳкамлашга қаратилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижалари унинг самарадорлиги тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, Фарғона вилоятинда 2021 йилнинг ноябрь ойида 176 та, декабрь ойида 120 та йўл транспорт ҳодисаси қайд этилган. 2022 йилнинг январь ойида бу кўрсаткич 44 ташиқил этиб, салбий ҳолатлар салмоғи 75 фоизгача камайган.

Маълумки, ҳайдовчи, пиедаларнинг магистрал йўллар ва шаҳар кўчаларида ҳаракатланишини тартибга солиш, уларни хавфли участкалар ҳақида огоҳлантириш мақсадида тегишли йўл белгилари қўйилади. Улар, ўз навбатида, ҳуқуқий меъёрлар, машина-технологияларнинг янги авлодлари кириб келиши ва бошқа ўзгаришларга қараб ўзгартириб борилади. Қолаверса, ҳар бир ҳудудда янги массивлар қад ростлапти, махсус индустриал ва кичик саноат зоналари вужудга келяпти.

— Президентимиз таъаббуси билан қурилган янги “Гулистон” мавзесига кўчиб келганимизга кўп бўлгани йўқ, — дейди Бағдод тумани “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Зилола Кенжаева. — Бу ерда транспорт ҳодисаси ва аҳоли ҳаракатланиши учун зарур бўлган йўл кўрсаткичлари, огоҳликка чорловчи белгилар ўрнатилган. Масалан, мактаб ва боғча олдида “сунъий дўнглик” ва болаларга йўл бериш зарурлигини ифодаловчи белги бор. Бу болапаримизнинг йўлдан эмин-эркин ўтишларини ҳимоялайди.

— Бугунга қадар вилоятимиздаги 3 минг 382 та йўл белгиси алмаштирилди, 1 минг 599 та жойга янгилари ўрнатилди, — дейди Фарғона вилояти ИИБ ЙХХБ катта инспектори, лейтенант Элбек Қобилов. — 135 километр автомобиль йўллари, 132 та пиедалар ўтиш жойига ёритиш мосламалари, 26 та светофор қурилмаси ўрнатилди. Ўқувчиларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун автомобиль йўллари ёқасида жойлашган “сунъий дўнглик”лар ўрнатилди, кўчама светофорлардан фойдаланиш жорий этилди.

Бу — йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг муайян қисми, ҳолос. Яна “йўл харитаси” доирасида 7 минг 514 донга нур қайтарувчи йўл белгилари ва йўналтиргичлар, 56 минг 831 донга ёритиш мосламаси ўрнатилганини ҳам қайд этиш жоиз бўлади.

“Йўл харитаси”га кўра, жорий йилда 300 километрдан иборат автомобиль йўллари, пиедалар ўтиш жойларини ёритиш ва нур қайтаргич 136 та мослама ҳамда 72 та светофор ўрнатиш, 462 та таълим муассасалари олдида “сунъий дўнгликлар” ташкил этиш борасида ишлар олиб боришмоқда.

Эътибор қаратилса, қўрилаётган чоралар тиббиётда қўлланадиган касалликни даъволагандан кўра, унинг олдини олган

афзал, деган иборага хос иш тутумига ўхшаб кетади. Аслида ҳам шундай. Уларнинг “Йўл ҳаракати қоидалари” синфхоналари ташкил этилган. Уларда йўл ҳаракати қоидаларига доир амалий машғулотлар ўтказилади. Қарантки, тахиллар синфхоналари мавжуд мактабларда болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилмаётганини кўрсатмоқда.

— Мактабимиз автомобиль йўлига яқин жойлашган. Шу боис, машғулотлар жараёнида турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга ҳаракат қиламиз, — дейди Риштон туманидаги 13-умумтаълим мактаби директори Шокиржон Мирзамўминов. — Яқинда туман йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими билан ҳамкорликда кўчама светофор ўрнатилди. У жуда қулай ва замона-

вазифасини ўтар экан. Яъни, ўта захарли ва чакса бутун тўда қирилишига олиб келадиган цеце пашшаси ва бошқа ҳашаротлар йўл-йўл чиққлар ёнида йўлни йўқотиб қўяр ёки нотўғри қўнишга учраб, ҳалок бўлар экан. Шу сабаб улар зебраларга мутлақо яқинлашмайди.

Қарантки, бу ўринда табиатнинг ўзи тарбиячилик қилмоқда. Чунки йўл ҳаракати белгиси сифатида зебралар рангини қўллаш ҳам кенгайиб борапти. Фарғонада ҳам бундай рангли воситадан аксар ҳолларда пиедалар ўтувчи гавжум чорраҳаларда фойдаланилмоқда.

— Марказий деҳқон бозори ва буюм бозори ўртасида замонавий кўринишдаги пиедалар ўтиш жойи барпо этилиб, унга “зебра” белгиси чизилгани айни мўддао бўлибди, — дейди фарғоналик Муқаддас Мадрозиёева. — Авваллари бу ерда дурустроқ пиедалар йўлаги, светофор бўлмаган. Бу бозорга кириб-чиқишда кўплаб муаммолар туғдирарди. Ўтиш жойи ва йўл белгиларининг замонавийлаштирилиши бу муаммоларни ҳал қилди-қўйди.



вий, қуёш батареяси ва электр манбасидан қувватланади.

Авваллари мактабимиз олдидаги йўлда кун давомида бир қатор масъул шахслар қўлида байроқ кўтариб, ўқувчи ёшлар ва транспорт ҳаракатини назорат қилишларига тўғри келарди. Энди бунга ҳожат қолмади. Энг муҳими, янги белги ва қурилмалар болалар иштирокида йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олишга хизмат қилляпти.

Вилоятда ҳайдовчи ва пиедалар масъулиятини шакллантиришда ҳарим тажрибасидан фойдаланишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Германиянинг “ATLAS International” компанияси томонидан 67 та чорраҳа ва 61 та тўғри йўл участкасида қоидабузарликларни қайд этувчи техник қурилмалар билан жиҳозланяпти. Тезликни назорат қилувчи электрон қурилмалар ўрнатилган 13 та автомобиль орқали транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлиги назорат қилинмоқда. Жорий йил бошидан 3 донга кўчама “AutoCon” русумли фоторадар ҳамда 4 донга “Lochinko-z-q” русумли фотофиксациялар харид қилиниб, Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳар ҳудудларидан ўтган автомобиль йўлларида фойдаланиб келиняпти.

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАРБИЯЧИ

Бир ўйлаб кўрганмисиз? Нега Африка ёввойи отлари — зебраларнинг ранги йўл-йўл, оқ-қора чиққлардан иборат? Улар қандай вазифани бажаради?

Бу борада зоологларнинг ўзи ҳам кейинги изланишлар натижасида умумий ҳулосага келди. Маълум бўлишича, улардаги йўл-йўл, оқ-қора чиққлар турли зарарли, ўлимга олиб борувчи касалликлар тарқатадиган ҳашаротлардан ҳимоялаш

Албатта, йўл ва чорраҳаларда замонавий қурилмалардан фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ салбий ҳолатларга қарши курашишда қўл келмоқда.

ДРОНЛАР ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

2021 йилда вилоятда содир этилган 1 минг 469 та йўл-транспорт ҳодисаларида 257 нафар фуқаро вафот этган, 1 минг 387 нафари турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Турли рақамлар аввалги йилларга нисбатан сезиларли камайган. Аммо бу хотиржамликка асос бўлмаслиги керак.

— Учувчисиз бошқариладиган қурилмалар орқали қоидабузарликларни аниқлаш амалиёти беҳудага жорий қилинганни йўқ, — дейди ИИБ ЙХХБ АДХ бошлиғи Ҳаётжон Абдуллаев. — Бу замонавий қурилмалар, энг аввало, ҳайдовчиларни ҳушёрликка чақиради, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда яқин кўмак бўляпти. Ҳар қандай ҳайдовчи белгиланган қоидаларга амал қиладиган бўлса, дронлардан хавотир олишининг ҳолати йўқ. Чунки бу қурилмалар фақат қоидабузарликни аниқлайди. Маданиятлик, тартиблик ҳайдовчилар бундан мамнун бўлишлари керак.

Йўл-транспорт ҳодисаси ҳушёрликни унутган, қоидаларга бепасанд қараган ҳар қандай ҳайдовчи ёки йўловчи унинг қурбонига айланиши мумкин. Бундай ҳодисага учраб, ногирон бўлиб қолганларнинг ҳаёт қисмати нақадар оғир.

— Кўча-қўйда тасодифан йўл-транспорт ҳодисасига учраган машиналарни кўрсам, юрагим увишиб, кетади, — дейди Фарғона шаҳрида яшовчи Отабек Ҳакимов. — Чунки фарзандим шома-шошар



ҳайдовчиларнинг хатоси туфайли ҳодиса қурбонига айланиб, ҳаётдан эрта кўз юмган. Йўлларга камералар қўйилгани, қоидабузарликлар дронлар ёрдамида аниқланиши бу жуда тўғри иш. Ҳайдовчиларни ҳушёрликка чақиради, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади, ҳамма тартиб билан юришга мажбур бўлади.

— Бу масаланинг бир жиҳати, — дея суҳбатга қўшилди ҳайдовчи Улуғбек Нуриддинов. — Бошқа томондан эса жойларда ўрнатилган йўл белгилари, хусусан, пиедалар ўтиш жойлари, огоҳлантирувчи ҳаракат чиққлари шунга мос тарзда сифатли, аниқ кўрсатилган шаклда бўлиши мақсадга мувофиқ. Афсуски, ҳамма жойда ҳам йўл белгиларининг сифати, кўриниш жиҳатлари талабга жавоб бермайди. Айниқса, пиедалар ўтиш йўлакларини кўрсатувчи чиққлар ўз хусусиятини тез йўқотади. Бу ҳолат эса табиий равишда транспорт эгалари ҳамда пиедалар чалғишга сабаб бўлиб қолмоқда.

ЭЪТИБОРГА МОЛИК ЯНА БИР ТАЖРИБА

Вилоятда велосипедлар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича Фарғонада яна бир тажриба амалга оширилляпти. Ўрганишлар кейинги пайтда велосипедлар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли қўпайганлигини кўрсатди. Уларнинг 58,6 фоизи айнан велосипед минган фуқароларнинг айби билан содир бўлган. Бундай кўнгилсизликларнинг аксарияти автомобиль йўллари билан белгиланмаган жойларидан кесиб ўтиш ёки йўл ҳаракатининг бошқа қоидаларига амал қилмаслик оқибатида юзага келган.

Уларнинг олдини олиш мақсадида Фарғона вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан алоҳида режа ишлаб чиқилиб, велосипедчилар ўртасида тарғибот ишлари, қоидабузарларга нисбатан маъмурий чора қўриш амалиёти кучайтирилди. Барча шаҳар ва туманларда велосипедлар учун йўлаклар ташкил қилинди. Бундай ишлар айни кунда “Фарғонаазот” АЖ ва нефтни қайта ишлаш заводи ишчи-хизматчилари кўпроқ ҳаракатланадиган Саноат кўчасида ҳам амалга оширилмоқда. Велосипедлар нур қайтарувчи жиҳозлар билан таъминланмоқда.

— Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси уйимизга унча узоқ бўлмагани боис, ишга велосипедда келиб-кетаман, — дейди “Собирбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қиладиган Рустамжон Шарофиддинов. — Авваллари ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, велосипедчиларни белгиланган нормаларга мос жиҳозланмагани боис, турли кўнгилсизликлар учраб турарди. Мутасаддилар иштирокида учрашув ва суҳбатлар, велосипедларга нур қайтарувчи воситалари ўрнатилиши, улар созлиги борасида масъулиятимиз оширилгани йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш имконини бермоқда.


Велосипедчилар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий қисми 10–20 ёшгача бўлганлар иштирокида содир этилаётгани инобата олиниб, умум-

таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларида йўл белгиларига амал қилиш юзасида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУРАТИ

Дарҳақиқат, ҳайдовчи ёки йўловчининг арзимаган хатоликка йўл қўйиши ортидан қиммат ҳаётдан бевақт кўз юмиши ёки бир умрга ногирон бўлиб қолиши мумкин. Асосий мақсад ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда тарғибот ишларини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

— Шу боис, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғиботи кўни”, “Автомобилсиз кўн” акциялари ва бошқа шу каби тарғибот-ташвиқот тадбирлари тез-тез ташкил этилиб, асосий эътибор йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш чоралари қўриляпти, — дейди Фарғона вилояти ИИБ ЙХХБ бўлим бошлиғи Жалолхон Раҳмонов. — Вилоят бўйлаб ўрнатилган фотовидеофиксация қурилмалари ёрдамида “тўхташ ва тўхтаб туриш” қоидаларини бузган, шунингдек, “Тўхташ чизиги”, “Йўл ҳаракати қоидалари” нинг 1.1 сидирға чизигига, 3.19 “Қайрилиш таққикланган” йўл белгисига ҳамда белгиланган тезликка ҳамда светофор ишораларига амал қилмаган ҳайдовчиларнинг қоидабузарликлари онлайн тартибда қайд қилинмоқда.



Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва амалдаги қонун нормаларини такомиллаштириш давр талаби. Масалан, ўтган йили транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш билан боғлиқ 5 минг 705 та ҳолат қайд этилган. Шу боис, транспорт воситаларини маст ҳолатда, гиёҳванд ва кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида бошқариш маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида таққоран содир этилса, айбдор шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун Жиноят кодексига янги мода киритиш лозим, деган фикрдаман. Хорижий давлатларнинг бу борадаги қонунчилиги ўрганилганда, Молдова давлатида транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарилиш учун жавобгарлиқни белгилувчи

алоҳида мустақил норма мавжуд бўлиб, Беларусь, Қозғғистон ва Эстония давлатларида эса транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

ЙЎЛ ҲАММАНИКИ, ЛЕКИН ҚОЙДАГА РИОЯ ҚИЛИШГА ҲАР БИР КИШИ МАСЪЎЛ

Автоулов қўплиги жиҳатидан вилоятимиз етакчи ўринда бўлгани боис, йўл-транспорт ҳодисалари сони ҳам ортиб бормоқда. Рақамларга мурожаат қилайлик. Ўтган йили йўл-транспорт ҳодисаларининг 617 таси (42 фоиз) пиедалар, 366 таси (24 фоиз) болалар, 319 та (21фоиз) велосипедчилар иштирокида, 401 таси (27 фоиз) эса тўқнашувлар оқибатида содир этилган.

Рақамлар ҳам кўрсатиб турибдики, истаимизми-йўқми, йўлларда ҳаракатланишнинг асосий “қаҳрамони” йўловчилар ва ҳайдовчилар.

Афсуски, аксарият ҳайдовчиларда “мен доим ҳақман” деган нотўғри тушунча бор. Бошқа жиҳатдан, сабрсизлик, йўлларда ҳаракатланишнинг бошқа иштирокчиларини менсимаслик кўзга ташланади. Ахир, ҳайдовчилар йўл ҳаракати тартиб-қоидаларига бирдек риоя қилишлари шарт-ку! Аслида, бу ҳайдовчилик маданияти, умуман, одамлилик, инсонпарварлик туйғулари билан чамбарчас боғлиқ. Муқаддас динимизда ҳам йўлларда ҳаракатланишга оид одоблар, ўзига хос қоидалар хусусида тўхталиб ўтилган. Жумладан, йўлга яхши ният билан отланиш, дуч келганда саломлашиш, адашган йўловчига йўл кўрсатиш, бошқаларга ҳалал бермаслик сингари кўрсатмалар зикр қилинган.

— Йўлларда ҳаракатланганда, айниқса, транспорт воситасини бошқариш пайтида бошқаларга ҳурматда бўлиш муҳим, — дейди кўп йиллар ҳайдовчилик қилган Ҳаётжон Бойбобоев. — Баъзи ҳайдовчилар нотўғри ҳаракат туфайли, қолганлари ҳам хато қилишга мажбур қилади. Бундан ташқари, машинадан турли буюм, чиқиндилар улоқтириш, ўринсиз сигнал чалиш нафақат одобсизлик, балки қоидабузарлик, қонунларни менсимаслик саналади.

— Президентимиз ўтказган йиғилишда жазо муқарарлигини таъминлаш мақсадида бундан буюн ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун жарима баллари тизими жорий этилиши белгиланганини қўллаб-қувватлайман, — дейди Шокиржон Мирзамўминов. — Масалан, ҳайдовчи тезликни оширса 1 балл, қизил чироқда ўтса 3 балл ҳисобланади. Агар бир йилда қоидабузарликлар жами



12 баллдан ошса, ҳайдовчи автомобиль бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади ва қайта имтиҳон топширади.

Шунингдек, автомобилни тартибсиз бошқариб, бошқа ҳайдовчиларга ҳалақат қилганлик учун алоҳида “йўл безорчилиги”, деган янги жавобгарлик тури киритилиши ҳам кўнгилмиздаги гап бўлди.

Йўллар — ҳамманики. Ҳар бир шахс кўчага чиққими, бевосита йўл ҳаракати қатнашчисига айланади. Шундай экан, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишга ҳар биримиз масъулмиз. Ана шунга эришсак, йўлингиз беҳатар, умрингиз узоқ бўлади.

**Расулжон ҚАМОЛОВ,
Абдурауф ҚОЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон”
муҳбирлари**

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ДРАЙВЕР

Одил ОЛИМЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва
ислохотлар маркази бош илмий ходими,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

▶ Бошланиши 1-бетда

2021 йилда хизматлар соҳасининг ривожланиши

Президентимизнинг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан соҳани муҳим драйверга айлантириш ва 2023 йилга қадар хизматлар ҳажмини икки баробарга ошириш чоралари белгиланди.

2021 йил 30 сентябрда “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент фармони қабул қилиниб, пандемия даврида умумий овқатланиш, савдо, туризм, транспорт соҳалари учун берилган имтиёзлар мuddати узайтирилди. Давлат раҳбарининг тadbиркорлар билан учрашувида билдирилган қатор муаммолар ҳал этилди.

2021 йил 14 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хизматлар соҳасига қулай кредит, субсидия ва янги енгилликлар пакети жорий этилди, бир қатор солиқларни имтиёзли ставкада қўллаш, йўл, электр, интернет каби инфратузилмалар яратиш чоралари белгиланди.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2021 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажми юқори суръатларда ўсди. Агар 2021 йилда ялли ички маҳсулот ҳажми 7,4 фоизга ошган бўлса, саноат 9,5 фоиз, қурилиш 6 фоиз, бозор хизматлари эса 20 фоизга ўсди. Қўрилиб турибдики, мамлакатимизда ЯИМ ўсиш суръатиغا энг катта ҳиссани хизматлар соҳаси қўшмоқда. Бу ҳолат куйидаги рақамларда янада яққол кўринади, яъни хизматларнинг ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси 2,8 фоизни, саноатда 2,3 фоизни, қишлоқ хўжалигида 1 фоизни ва қурилишда 0,4 фоизни ташкил этди.

Хизматлар соҳасида 2021 йилда эришилган натижаларни ҳудудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, Наманган, Сирдарё, Андижон, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида хизматлар соҳаси ўсиш суръати республика кўрсаткичидан 21,2-23,4 фоизга юқори

бўлганини кўрсатмоқда. Бир пайтнинг ўзига Жиззах, Навоий, Қашқадарё вилоятларида хизматлар соҳасининг ўсиш суръати республика ўртача кўрсаткичидан 0,8-2,2 фоизга кам бўлди.

2022 йилда соҳа истиқболлари

Президентимиз 2022 йил 28 январда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонни имзолади. Стратегияда 2022 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини белгилаб бера-



диган иккита энг муҳим кўрсаткич, яъни ЯИМ ҳажмини 7 фоизга ошириш ва аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмини 2105 долларга етказишдек улкан вазифа кун тартибига қўйилди. Бунинг учун 2022 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 7 фоизга, қурилишни 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалигини 3,3 фоизга, хизматларни 30 фоизга ошириш режалаштирилди.

Хизматлар соҳасининг кескин ўсиши нималар ҳисобига амалга оширилади?

Бунинг учун **туризм хизматлари** кўрсатадиган 50 та янги ташкилот



тузилади ва уларнинг умумий сони 1550 тага етказилади. 121 та меҳмонхона ва шунга ўхшаш яшаш жойлари, янги 500 та меҳмон уйи ташкил этилади.

Сайёҳлар учун мақбул нархдаги сифатли логистика-транспорт хизматини ташкил этиш, хорижий авиаташувчиларга мамлакат аэропортлари хизматларидан эркин фойдаланишга рухсат бериш, уларни ташиш хизматларига жалб қилиш чоралари қўрилади. Бу орқали сайёҳлар ва меҳнат муҳожирларига кенг қулаиқлар яратилади. Натижада хорижий сайёҳлар сони 1,6 миллионга ошириб, умумий сони 4,4 миллионга етказиш мумкин бўлади. Маҳаллий сайёҳлар сони 800 мингга оширилиб, 9,1 миллионга етказилади.

Туризм хизматлари кўрсатадиган ташкилотлар давлат томонидан янада кенгрок қўллаб-қувватланади. Жумладан, янги меҳмонхона, дам олиш масканлари

учун уч йил давомида мол-мулк ва ер солиғи 2 баробар паст ставкада олинади.

Хизматлар тараққиётида **алоқа ва ахборот** соҳаларининг алоҳида ўрни бор. Шу боис, 2022 йилда мобиль алоқа абонентлари умумий сони 27,7 миллионга, интернет алоқасидан фойдаланувчилар сони 24,7 миллионга етказиш режалаштирилган. Бунинг учун янгидан 20 минг километр узунликда оптик толали алоқа линиялари қурилади ва уларнинг умумий узунлиги 138 минг километрга, халқаро интернетта уланишнинг ўтказувчанлик даражаси 1 800 Гбит/с.га етказилади.

Транспорт соҳасида ҳам мавжуд камчиликларни тугатиш ва хизмат сифатини ошириш бўйича жуда катта ўзгаришлар амалга оширилади. Умумий қиймати 49 миллиард сўм бўлган “Мароқанд — Навоий” темир йўл участкаси тўла электрлаштирилади. “Тошкент — Шарқий” аэродроми ҳудудида замонавий фуқаро авиацияси аэропорт комплекси барпо этилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида аҳамияти жуда катта бўлган **автомобиль хизмати кўрсатиш соҳасида** ҳам йirik объектлар қуриш режалаштирилган. Жумладан, лойиҳа умумий қиймати 113,6 миллиард сўм бўлган “Ўзур — Чим — Қўдала” автомобиль йўлининг 35 километри реконструкция қилинади.

Тиббиёт соҳасини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилади. Бирламчи соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини такомиллаштиришга 57,8 миллиард сўм, ҳудудий тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 88 миллиард сўм сарфланади. Тиббиёт олий ўқув юртлари клиникалари ва республика клиник шифохоналарини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида 51,3 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Шунингдек, 42,5 миллиард сўм бўлган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлари қурилади ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

Аҳолини иш билан таъминлаш орқали камбағалликни камайтириш вазифасини бажаришда ҳам хизматлар соҳасининг алоҳида ўрни бор. Масалан, бевосита хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 54,5 мингта янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим, халқ таълими ва олий таълим тизимларида 12 мингта иш ўрни ташкил этилади. “Ёшлар.1+1” дастури доирасида 145 мингта яқин ёшлар тadbиркорлик ва бизнес асосларига ўқитилади. Яқка тартибдаги тadbиркорлик ҳамда миллий хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этиш режалаштирилаётган 94,7 мингта иш ўрининг

“**Тиббиёт соҳасини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилади. Бирламчи соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини такомиллаштиришга 57,8 миллиард сўм, ҳудудий тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 88 миллиард сўм сарфланади. Тиббиёт олий ўқув юртлари клиникалари ва республика клиник шифохоналарини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида 51,3 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.**”



ҳам бир қисми хизматлар соҳасига тўғри келади. 110 мингга яқин янги кичик бизнес субъектларининг бир қисми хизмат кўрсатишга тўғри келади.

Бир қарашда унча кўзга ташланмайдиган, лекин соҳа тараққиётига жиддий туртки бера оладиган воситаларни кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор бериш кўзда тутилади. Масалан, 9 мингдан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинида ҳамда 10 мингга яқин таълим муассасаси спорт иншоотларида оммавий спорт тadbирлари ўтказиш ва 1,8 миллионга яқин турли қатламдаги аҳоли вакиллари иштирокини таъминлаш режалаштирилмоқда.

Яна бир шундай восита театрлар билан боғлиқ. Яъни давлат театрларида намоийш этиладиган спектаклларга 1,44 миллион нафар аҳоли жалб этилади. Ил давомида давлат театрлари бўйича жами 11,7 миллиард сўмлик, бошқа маданият муассасалари томонидан 4 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилади.

Ўртимизда маданий мерос объеклари жуда кўп, лекин уларнинг катта қисмида сайёҳларни жалб этиш имконияти паст. Шу боис, маданий мерос объекларининг 4 минг 185 тасига (50 фоиз) муҳофаза белгилари ўрнатилиб, 2050 таси (25 фоиз) қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказилади. Натижада сайёҳлар учун мазкур объектларнинг жозибadorлиги ошади.

Хуллас, хизматлар соҳаси мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожини ва халқимиз турмуш даражасини оширишда ўта муҳим драйвер бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, хизматлар ривожини консалтинг, яшаш, умумий овқатланиш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар каби ўнааб тармоқ ва соҳалар тараққиётига катта туртки беради. Пировард натижада эса хизматлар соҳасининг ривожини ЯИМни 100 миллиард долларга етказиш ва мамлакатимизнинг даромади ўртадан юқори бўлган давлатлар қаторига қиришига муҳим ҳисса қўшади.

СУДЬЯНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ҲАЛОЛЛИГИ ВА ФАОЛЛИГИДА АКС ЭТАДИ

ёхуд кечиккан адолатнинг ҳам маънавий, ҳам моддий товони бор

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши раиси

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларининг ривожланишининг энг асосий ва зарур шартига айлантириш етгитта устувор йўналишнинг бири сифатида қайд этилди.

Дарҳақиқат шундай: адолат ва қонун устуворлигисиз тараққиётга эришиб бўлмайди. Шунингдек, фуқаролар тинчлиги ва тотувлиги ҳам ижтимоий адолат барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса тўғридан-тўғри суд ҳокимиятининг вазифасидир. Чунки суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган. Судьялар эса қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслар бўлиб, уларнинг барчаси — туман суд судьясидан то Олий суд раисигача бир хил мақомга эгаллиги сабаби ҳам шунда.

Ҳар соҳа, ҳар касбнинг ўзига яраша машаққати ва масъулияти бор, албатта. Судьянинг зиммасидаги масъулият эса жуда залворли. Бежиз уларга нисбатан



нафақат хизмат, ҳатто хизматдан ташқари пайтларида ҳам муайян чекловлар қўйилмаган. Негаки, судьянинг ҳатто хизматдан ташқари пайтдаги билиб-билмай қилган хатти-ҳаракати ҳам суднинг нуфузига салбий таъсир кўрсатади. Ҳар қандай жиноят, қўғирчилик ёки оммавий маъмурий ҳамада иқтисодий низолаarga айнан судда нуқта қўйилади. Шунинг учун ҳам судьялар ўз ҳолислиги, мустақиллиги ва бегаразлиги-га салбий таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатлардан тийилиши шарт.

Янгиланаётган Ўзбекистонда судьядан нафақат қонун ва уни қўллашни яхши билиш, балки юксак маънавиятли инсон бўлиш ҳам талаб этилади. Зеро, маънавиятли инсонгина масъулиятни чуқур ҳис

қилади. Масъулият чуқур ҳис этилган жойда адолатга путур етмайди.

Судья бирор иш бўйича ҳукм ёки қарор чиқарар экан, қабул қилинаётган суд ҳужжати инсон тақдири билан боғлиқлигини доимо ёдда тутиши лозим. “Ишни бүгун бўлмаса эртага кўраман, хато қилсам, юқори суд тузатар, иш ҳажми кўп, хатоликка сабаб бор, вазифамни баҳоли қудрат бажарялман-ку”, дея фикр юратадиган судья қаттиқ янгилашади. Бу ўта масъулиятсизлик, бошқалар тақдирига бефарқликдан бошқа нарса эмас. Судья ҳар бир ишга юксак масъулият билан ёндашиши, керак бўлса, ўзини судланувчи, жабрланувчи ёки жавобгар, маъмурий ҳуқуқбузарликка айбланаётган шахс ўрнига қўйиб кўриши лозим. Шундагина йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларнинг олди олинади.

Суддаги адолат судьянинг қонуний, асосли ва адолатли қарорига боғлиқ. Бирок том маънодаги адолат шу билангина чекланмайди. Суд ишларини вақтида кўриш, одамларни ортиқча овора қилмаслик, суд қарорини ўз фурсатида ижрога қаратиш каби масалалар замирида ҳам ижтимоий адолат омиллари ётади. Зеро, ишни белгиланган вақтда кўрмай, бошқаларнинг вақти зое кетишига сабабчи бўлиш ўша инсонга нисбатан қилинган адолатсизлик ҳисобланади. Суд қарорини вақтида ижрога қаратишни турли сабаблар билан пайсалга солиш хусусида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Чунки инсонларга адолат бугун керак. Кечиккан адолатнинг ҳам маънавий, ҳам моддий товони бор. Судьянинг олий мақомига

яраша ижтимоий муҳофазаси, таъминоти таъминлаб қўйилган экан, ўз навбатида, машаққатларни ҳам мардона енгитиш лозим. Судьяликнинг масъулияти ҳам, шаърафи ҳам шунда, аслида.

Гап адолат, судьялар масъулияти, судлар одиллиги ҳақида борар экан, ўтмишга бир назар ташлайлик: ўн йилни қўйлик, беш йил наридаги ҳолат қандай эди? Ҳозирги ҳолатга нисбатан таққослаганда ер билан осмонча, десак бир оз муболага бўлар, аммо кейинги йилларда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофазаси борасида тарихий ишлар амалга оширилганини айтиш ҳақиқат. Юк кўтарган юзага қақди, деган ҳикмати судьялик қасамёдига содиқ ҳамкасбларимиз ҳалоллиги ва фаоллиги билан исботлаб қўйдик, бүгун юзлари ёруғ, меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилмоқда.

Бугун давлат органлари фаолиятида очиклик ва шаффофлиқни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Суд ҳокимияти ҳам бундан истисно эмас. Аксинча, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларда тизимда очиклик ва шаффофлиқни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, мавжуд қонунларга зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритилганини таъкидлаган ҳолда, Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармо-



нини алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур фармон судьяларнинг маъқени янада мустаҳкамлаш баробарида масъулиятини оширишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Оддий мантиқ: очиклик ва шаффофлик бўлмаса, на тизимда коррупциянинг барвақт олдини олиш, на фуқароларнинг судга нисбатан ишончини ошириш мумкин.

Шу ўринда яна икки оғиз мулоҳаза: кейинги пайтда Судьялар олий кенгаши нафақат лавозимидан озод этилган, балки интизомий жавобгарликка тортилган судьялар ҳақида ҳам ахборот бериб бормоқда. Кенгаш фаолиятининг асосий принципларидан бири очиклик экан, бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Очик ахборот беришдан мақсад тизимда очиклик ва шаффофлиқни таъминлашдан ташқари, судьяларнинг масъулиятини янада ошириш ҳамдир. Бироқ буни “фалон ишни кўрган фалончи судья интизомий жазога тортилди”, дея нотўғри

талқин қилиш ёки судьяга нисбатан ҳурматсизлик деб тушунамаслик лозим (таас-суфки, ижтимоий тармоқларда шундай ҳолатлар кузатишмоқда). Ваҳоланки, ўша судья ўзи қабул қилган суд ҳужжати қонунийлигига таъсир кўрсатмайдиган бошқа сабабга кўра, масалан, Судьялик одобини талабларини бузгани ёки ишни ташкил этишда муайян камчиликларга йўл қўйгани боис, интизомий жазога тортилган бўлиши мумкин. Ижтимоий тармоқлардаги бир томонлама талқинлар айрим судьялар ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлиш эҳтимолини юзага келтириши боис, шу ўринда журналист ва блогерларни ҳолисликка чақириш фойдадан холи бўлмайди.

Янги Ўзбекистонда очиклик, шаффофлик қатори суз эркинлиги қанчалар муҳим бўлса, одил судловни амалга оширувчи судьяларнинг дахлсизлиги ҳам ундан кам аҳамият касб этмайди. Зотан, масъулият барчага бирдек тааллуқли.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЮРТИМИЗДА 10 ТА ХОРИЖИЙ ТИЛ БЎЙИЧА 35 ХИЛ СЕРТИФИКАТ МАВЖУД

Санжар ОБИДОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш
агентлиги директори в.б.

Бошланиши 1-бетда

Ҳозир нафақат юртимизда, балки бутун дунёда чет тилларни ўрганишга қизиқиш кундан-кунга ортмоқда. Жаҳон ҳамжамияти интеграция жараёнига, дунё бозорига дадил ва фаол кириб борилаётган паллада хорижий тил бўйича билимларга эhtiёж ортиши табиий. Шу боис, бугунги кунда соҳа мутахассисининг ҳар томонлама етуқлиги она тили қаторида бир неча чет тилларни билиши билан белгиланмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги фаолияти йўлга қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 19 январдаги “Хорижий тилларни ўрганишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши агентлик фаолиятини янада янги bosқичга кўтаришга замин яратди.

Нималар ўзгаради?

Мазкур қарорда бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтаришга замин яратадиган кўплаб мақсадлар ўз ифодасини топган. Масалан, авваллари чет тиллари йўналишида олий таълимга қабул жараёни ҳам эскича тартибда ўтказилар эди. 2022/2023 ўқув йили қабулдан бошлаб хорижий тиллар бўйича мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган фанлар мажмуасига чет тили биринчи фан сифатида киритилган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Тошкент давлат шарқшунослик университетининг бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика ва Нукус давлат педагогика институтларининг хорижий тиллар бўйича педагогларни тайёрловчи бакалаврият таълим йўналишларида кириш имтихонларида фанлар мажмуасидаги чет тили фанидан тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ҳамда гапириш компетенцияларини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган касбий, яъни ижодий имтихон ўтказилиши белгиланди.

Бунинг замирида ёшларни олий таълимга қадар ва олий таълимни тугатгач, маълум бир чет тилини билладиган кадр сифатида тайёрлаш ва таълим тизимида чет тилларни bosқичма-bosқич оммалаштириш мақсади турибди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларини татбиқ қилиш



чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан белгиланган Давлат тест маркази томонидан бериладиган чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги сертификат ёки халқаро тан олинган сертификатнинг тегишли даражаларига эга бўлган абитуриентларга ўқишга кириш синонларида берилган имтиёзлар сақлаб қолинади. Чет тили фанидан касбий кириш имтихонлари Давлат тест маркази томонидан ўтказилади.

Қарорда Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда икки ой муддатда узлуқсиз таълим тизимида чет тилини ўқитишнинг ўқув-методик мажмуаларини ўқувчиларнинг асосий тил кўникмаларини, яъни тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш кўникмаларини шакллантириш нуктаи назаридан тўлиқ қайта кўриб чиқиши белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари учун замонавий тил ўргатиш методикалари асосида ишлаб чиқилган чет тили дарсликларини тўлиқ чоп этиш ва таълим ташкилотларига етказиш чоралари кўрилади. Янги дарсликлардан фойдаланиш методикаси бўйича ўқитувчилар ва методистлар учун малака ошириш курслари ташкил этилади.



Агентлик ташкил этилганидан кейинги ўтган вақт давомида 12 мингга яқин чет тили ўқитувчиси ва мутахассисларнинг фикри, хорижий таъриба ўрганилди. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда икки ой муддатда узлуқсиз таълим тизимида чет тилини ўқитишнинг ўқув-методик мажмуалари қайта кўриб чиқиши белгиланди.

2022 йил 1 мартдан бошлаб хорижий тиллар бўйича йўналишларга қабулни тўртта, яъни чет тили фани ўқитувчиларининг тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ҳамда гапириш кўникмасига асосан ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу лойиҳани

пилот тариқасида олти таълим муассасасида жорий қилишга келишилди. Бу нима беради? Бу тил билиш сифатини оширади. Талаба университетга хорижий тилни билган ҳолда келади. Ўқитувчилар уларга тил ўргатмайди. Бундан бунёига олий таълим муассасаларида психология, педагогика чўқур ўқитилади, мантикий фикрлашни, методикасини, ривожлантиришга эътибор қаратилади. Бу ўз навбатида, келажакда ўқитиш сифатининг ошишига хизмат қилади. Яъни мактабга ёки bosқа таълим даргоҳларига малакали, методикаси ривожланган, хорижий стандартларга жавоб берадиган педагоглар юборилади.

Қарорда шу пайтгача кўплаб муҳокама ва тушуномчиликларга сабаб бўлиб келадиган яна бир жиҳатга — рус тили фани ўқитувчилари масаласига ойдинлик киритилди. Илгари улар на хорижий тил, на рус тили ўқитувчиси дея аталарди.

Кўплаб рус тили ўқитувчиларининг таклифи ўрганилди. Қолаверса, Халқ таълими вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг таклифларини инобатга олган ҳолда, С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга рус тили фани ўқитувчиларига сертификат олинган кундан бошлаб икки йил давомида



қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда устама тўлаш тартиби 2022 йил 1 февралдан бошлаб жорий этилди.

Бу ҳам ўқитувчиларнинг ўз устида қайта ишлаши, малакасини доимий ошириб боришга туртки

беради. Очиғи, Тошкент шаҳри ва вилоятларда рус тили ўқитилишининг сифати жуда ҳам тушиб кетган. Мазкур қарордан кейин рус тилида дарс ўтиш сифати ошади, рус тилини ўқитиш методикаси такомиллашади.

Нодавлат таълим ташкилотлари фаолияти янада ривожлантирилади

Қарорда нодавлат таълим ташкилотларига субсидия ажратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ёшлар орасида хорижий тилни ўрганишда самарали натижа кўрсатаётган нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича имкониятлар

“

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари учун замонавий тил ўргатиш методикалари асосида ишлаб чиқилган чет тили дарсликларини тўлиқ чоп этиш ва таълим ташкилотларига етказиш чоралари кўрилади. Янги дарсликлардан фойдаланиш методикаси бўйича ўқитувчилар ва методистлар учун малака ошириш курслари ташкил этилади.

яратилди. Пандемия даврида нодавлат ташкилотлар моддий жиҳатдан қийналганини инобатга олиб, қолаверса, уларни янада қўллаб-қувватлаб, янги bosқичга олиб чиқиш мақсадида Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган НТЛларни ижара тўловлар ва солиқдан озод қилиш бўйича ҳам янгилликлар киритилди.

Айни пайтда 10 та хорижий тил бўйича юртимизда тан олинган 35 хил сертификат мавжуд. 35 та хорижий сертификатни тан олиш, уларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш, қолаверса, стратегиясини тузиш, рейтингини тайёрлаш, амал қилиш муддатига эътибор қаратиш, ўтиш ўтмаслигини аниқлаш мақсадида давлат хизматчиларининг ягона электрон базаси шакллантирилди. Тест режимида ишга туширилди. Мазкур базага юртимиз бўйича барча педагогларнинг эришган натижалари, орттирган билимлари ҳақидаги маълумотлар, уларнинг хорижий тилни ўзлаштиригани тўғрисидаги сертификатлар киритилади. Мазкур электрон базада ҳар бир давлат хизматчисининг алоҳида кабинети бўлади. Кабинетда педагог эришган натижалар ва келгусида кўзда тутилган режалар қайд этиб борилади. Бундай тартиб аввал бўлмаган. Биз вилоятлар статистикасидан келиб чиқиб, қайси вилоятга, қайси туманлар кесимида аниқ ёрдам бериш масаласини кўриб чиқдик. Бу базада яққол, шаффоф кўриниб туради. Ҳокимлик ва bosқа давлат ташкилотларига ҳам осон бўлади.

Чунки базадаги маълумот асосида туман, маҳалла кесимида рейтинг тузиш, уни маҳаллагача тузиш, педагоглар малакасини ошириш, тил ўрганишини янги bosқичга олиб чиқиш мумкин бўлади.

Мухтасар айтганда, хорижий тил таълими соҳасидаги ислохотлар бугунги кунда ўзининг долзарблиги ҳамда амалий аҳамияти билан муҳим экани шубҳасиз. Соҳа мутахассислари давлатимиз томонидан тил таълимига қаратилётган катта эътибор ва рағбатдан руҳланган ҳолда, асосий эзгу мақсад — юрт келажиги ва раънақи учун хизмат қилувчи, дунё бозорига рақобатбардош, талаб катта, билимдон, ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлашга ўз хиссаларини қўймоғи лозим.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Таълим-тарбия ҳақида сўз кетганда, Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган ҳикмати ёдимизга тушаверади. Буюк матрифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари ўтган аср бошларида миллатимиз учун қанчалар муҳим бўлган бўлса, бугунги кунда ҳам шундай долзарблигини йўқотгани йўқ.

НУРЛИ ИСТИҚБОЛ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Ахмет РЕЙМОВ,
Қорақалпоқ давлат университети
ректори

Шу маънода, Президентимизнинг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари юртимиз олий ўқув юртлари учун муҳим аҳамиятга эга тарихий ҳужжат, нурли истиқбол сари дадил қадам бўлди, дейиш мумкин.

Эътиборли жиҳати, мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши етук, билимли мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида дунё таълим жараёнига уйғунлашишга кенг йўл очди. Бу қарорларда олий таълим муассасаларида бюрократияга асосланган бошқарув тизимидан воз кечиш ва уларнинг амалда мустақиллигини таъминлаш назарда тутилган. Хусусан, янги тартибга кўра, 2022 йилнинг 1 январидан эътиборан, мамлакатимиздаги энг нуфузли 35 та олий ўқув юртига молиявий мустақиллик берилди.

Президентимиз қарорларининг ҳаётга татбиқ этилиши Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жамоаси зиммасига ҳам залворли вазифалар юклайди.

Муассасамизда бугунги кунда 16 та факультет, 51 та кафедра, магистратура ҳамда сиртқи бўлим мавжуд бўлиб, 900 нафардан зиёд профессор-ўқитувчи ёшларга таълим бериб келмоқда. Бакалавриятда 67 та таълим йўналиши ва магистратурада 50 та мутахассислик бўйича жами 25009 нафар талаба билим оляпти.

Шу кунгача таълим тили ва шакли олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилиш бўйича махсус давлат комиссияси томонидан белгиланган бўлса, бундан бун уларни академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини олган олий ўқув юртларининг ўзи белгиланади. Аввало, Президентимиз қарорлари таълим муассасаларининг меҳнат бозори талабларига тезроқ мослашишига қизик қилади. Олдимизда талабаларни қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат бозори билан интеграцияни амалга оширишдек масъулиятли вазифалар турибди.

2022-2023 ўқув йилидан эътиборан, таълим сифатини ошириш, бошқарув фаолиятини такомиллаштириш мақсадида университет таркиби тузилиши янгиланмоқда. Сўнгги йилларда талабалар сонининг кескин кўпайиши, янги таълим



зарур воситалар билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ОТМлар талабаларнинг шартнома пуллари тўлов муддатини белгилаш, бу муддатни узайтириш ёки қисқартириш, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаб оладиган, илмий тадқиқотлар ўтказиш қобилиятига эга маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш, ўз маблаглари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш, хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ва рисоаларни тўғридан-тўғри сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлмоқда.

Айтиш кераки, университетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан сўнгги йилларда 150 дан ортиқ дарслик ва 200 дан ортиқ рисола нашр этилди.

Олий ўқув юртларига молиявий мустақиллик берилиши таълим сифатини ривожланган давлатлардаги турдош муассасалар даражасига етказишга замин ҳозирлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 октябрда Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида белгиланган берган топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Қораўзақ, Тахтақўпир ҳамда Мўйноқ туманларида яшовчи абитуриентлардан 5 йил ишлаб бериш шарти билан шартнома асосида жами 454 нафар ёш имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли умумий ўрта ҳамда ўрта махсус таълим мактаблари битирувчилари ўртасида ҳар йили февраль ойида кимё, биология, физика ва математика йўналишлари бўйича университет томонидан кўп bosқичли фан олимпиа-



йўналишлари, сиртқи ва кечки бўлимлар очилгани боис, асосий штатда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар сони 429 нафардан 934 нафарга етди.

Қарорларда олий ўқув юртлари илмий салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилган. Тўлов-шартнома асосида докторантурани йўлга қўйиш, ташкилот ва корхоналар талаби асосида докторантларни тўлов-шартнома асосида ўқитиш имконияти яратилмоқда. Шу пайтга қадар фан докторларига 4-6 нафаргача, фан номзодларига 2-3 нафар докторантларга илмий раҳбарликка ваколат берилган бўлса, энди бу чегаралар ҳам олиб ташланди.

Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида кўп тармоқли ўқув маркази ва амалиёт полигонини ташкил этиш мақсадида 720 ўринга мўлжалланган Чимбой қишлоқ ҳўжалиғи, Тахтасоҳ ҳамда Кегейли агроасаноат касб-ҳунар коллежлари университети тасарруфига ўтказилди. Айни пайтда ушбу ўқув юртлари биноларида таъмирлаш ҳамда уларни

даси ўтказиб борилиши йўлга қўйилди. Мазкур олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчилар университетимизга грант асосида ўқишга қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг Қорақалпоғистон бўлими муассасамиз қошида ташкил қилинди. Мазкур қоронинг ижросини таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли жами 17 та ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби университетимиз кафедраларига бириктирилди.

Ҳар қандай давлатнинг тараққиёти, унинг нурли истиқболи бевосита таълим ва илм-фан ривожига боғлиқ. Зеро, Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорлар мамлакатимиз тарихида том маънода олий таълим тизимидаги ислохотларни янги bosқичга кўтарди. Бу халқимиз орзусидаги Учинчи Ренессансининг муҳим асосларидан бири бўлди, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

“

Хорижий тил таълими соҳасидаги ислохотлар бугунги кунда ўзининг долзарблиғи ҳамда амалий аҳамияти билан муҳим экани шубҳасиз. Соҳа мутахассислари давлатимиз томонидан тил таълимига қаратилаётган катта эътибор ва рағбатдан руҳланган ҳолда, асосий эзгу мақсад — юрт келажиги ва раънақи учун хизмат қилувчи, дунё бозорига рақобатбардош, талаб катта, билимдон, ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлашга ўз хиссаларини қўймоғи лозим.

